

O'ZBEKISTON

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 июнь куни Оқсаройда ШХТ саммитида қатнашиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик касб этиб бораётгани мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари қамров ва сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилаётганидан далолатдир. Бу фикр Москва, Санкт-Петербург, Самарқанд саммитларининг узвий давоми бўлган Ново-Огарёводаги мулоқотда ҳам қайд этилган эди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик касб этиб бораётгани мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари қамров ва сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилаётганидан далолатдир. Бу фикр Москва, Санкт-Петербург, Самарқанд саммитларининг узвий давоми бўлган Ново-Огарёводаги мулоқотда ҳам қайд этилган эди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувлари мунтазамлик касб этиб бораётгани мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари қамров ва сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилаётганидан далолатдир. Бу фикр Москва, Санкт-Петербург, Самарқанд саммитларининг узвий давоми бўлган Ново-Огарёводаги мулоқотда ҳам қайд этилган эди.

OYOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-ЙИЛ ■ 17-ИЮН ■ ПАЙШАНБА ■ 73 (27.248) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-июндан чиқа бoshлаган.

МАРҲАБО, БАҒРИ КЕНГ ЎЗБЕКИСТОНГА!

«Халқлар дўстлиги» саройи. Тошкент азиятининг барча масканлари қатори бу муҳташам сарой ҳам олий даражадаги халқаро анжуман — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг навбатдаги мажлиси арафасида ўзгача кўрк ва чирой касб этган.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент учрашуви қатнашчиларига бағишлаб намоийш этиладиган концерт дастурига ҳамма нарса шай. Саройнинг улкан зали жамоатчилик ҳамда дипломатик корпус вакиллари ва хорижий меҳмонлар билан гавжум.

Соат 19.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов кириб келди.

Ийгиликлар олий мартабали меҳмонларни гулдўрс қарсақлар билан кутиб оладилар.

Саҳнада ўзбек, рус ва хитой тилларида кутлов янграйди.

Миллий нақшкор парда кўтарилиб, саҳнага «Аббос» фольклор гуруҳи кириб келди. Улар карнай садолари остида дўстлик концертини бошлаб берадилар. Сунгра «Томоша» болалар фольклор ансамбли кичкинтойлари сахнани эгаллайдилар. Турли ансамбллар санъаткорлари ижросида «Хуш келибсиз», «Лазги» наволари янграйди. Шу тахлит ўзбек санъати намояндлари, ёш ижроичилар мўтабар меҳмонларни муборакбод этакдилар.

Санъат дилларни дилларга пайванд этади, элларни элларга дўстлаштиради. Санъат халқларимизнинг янада ҳамжихатлашуви, эзгу ниятлари, буюк орзу ва мақсадларига етишиш йўлида ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашади.

Шу маънода, ушбу маданий тадбир баҳона олий мартабали меҳмонлар ўзбек халқининг очик кўнглилиги ва

меҳмондўстлигини яна бир бор ҳис қилдилар. Кўп асрлик тарихимиз, бой маънавий меросимиз, миллий маданиятимиз, санъатимиз, азалий ва инжа аъёнларимиз билан танишиш имконига эга бўлдилар. Энг муҳими, бу янглиг маданий алоқалар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Саҳнада — Хитой санъаткорлари. Ушбу мамлакат халқ чолғу оркестри ижросида «Ой ёғдусидаги чечаклар» мусикий композицияси намоийш этилди. «Саҳнада цирк» дастаси вакиллари ижросидаги акробатик ҳамда эквилибристик санъатнинг омухташтирилган намоийши барчага завқшав бағишлади.

Хассос рус шоири Александр Пушкиннинг ўтли мисралари таралиб, Россия санъати намоийшига гал келганидан дарак беради. Буюк рус композиторлари — Петр Чайковский, Сергей Рахманинов, Н. Римский-Корсаков ижодидан намуналар янграйди. Россия Федерацияси халқ артисти Владимир Моторин

«Садко» операсидан қуйлаган ария мисолида муаззам залга тўпланганлар рус миллий мусиқа санъатининг ноёб намунасидан баҳраманд бўлдилар.

Навбат қардошларимиз — Марказий Осиё мамлакатлари санъат аҳли вакилларига етиб келди.

Қозоғистон халқ артисти Нуржамал Усенбаева ижросидаги «Жульетта вальси», Бекбулат Тлеуханов раҳбарлигидаги Қозоғистон фольклор ансамблининг «Менинг халқим» кўшиғи, Қирғизистоннинг «Ак марал» давлат рақс ансамбли ва «Камбаркан» фольклор-этнографик ансамбли ижро этган «Қирғиз ери» ҳамда «Олтин водий афсонаси» вокал-хореографик композициялари, Тожикистон халқ артисти Давлатманд Холов раҳбарлигидаги «Фалак» давлат ансамбли ва «Гулрез» рақс дастаси намоийш этган дилрабо кўшиқ ва рақслар бири биридан гўзал, бири биридан жозибалидир.

Ўзига хос халқаро санъат байрамига Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, «Нихол» мукофоти совриндори Дилнура Мирзақуллова

каби миллий санъатимиз намоёндалари ижросидаги кўшиқлар янада фойз бахш этди.

Маданий тадбир иштирокчилари дилида шундай бир ҳақиқат ақс этди — халқларимизнинг миллий санъати намоийши бўлган концерт ниҳоясига етди, лекин дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларимиз изчил давом этаверади.

Тошкент саммити ШХТ тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда шу кеча-қундузда эришилган келишувлар, тасдиқланган муҳим ҳужжатлар мазкур ташкилот ўзининг ташкилий босқичини тугаллаб, амалий фаолият даврига ўтганидан яна бир бор далолат беради. ШХТ ҳаётида ана шу янги даврни муносиб нишонласа, байрам қилса арзийди. «Халқлар дўстлиги» саройида ШХТга аъзо мамлакатлар санъаткорлари ижросидаги дўстлик концерти бунинг амалий ифодасидир.

Ғулум МИРЗО,
ЎЗА махсус мухбири



ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида 16 июнь куни Олий Мажлисга ташриф буюрди

Парламент Раиси Эркин Халилов билан учрашувда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари, парламентларо ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида кунга кеча бўлиб ўтган музокара-лар, имзоланган ҳужжатларга юқори баҳо берилди.

Ху Цзиньтао парламент депутатлари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

— Сизларга, сизлар орқали Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва истеъдодли халқига хитой халқининг саломини етказмоқчиман, — деди ХХР Раиси. — Узоқ тарих ва беқиёс маданиятга эга бўлган Ўзбекистон инсоният цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Мустақиллик эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон халқи Президент Ислам Каримов раҳбарлигида давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитликини мустаҳкамлаб, ўзига хос тараққиёт йўлидан дадил қадам ташламоқда ва улкан ютуқларни кўлга киритмоқда.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон — Хитой муносабатларига тўхталиб, ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Икки мамлакат раҳбарлари сиёсий, техникавий-иқтисодий, маданий ва ижтимоий алоқаларни ривожлантириш ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида фикрдош эканлигини қайд этди.

— Хитой билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида Буюк ипак йўли орқали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган, — деди Ху Цзиньтао. — Минтақа мамлакатлари мустақилликка эришгач, Хитой биринчилар қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатларини ўрнатди.

Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар кўмитаси раиси Эркин Воҳидов мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро алоқаларнинг тарихи минг йилларга бориб тақалишини таъкидлади. Парламент биноси пойтахтимизнинг «Самарқанд дарвоза», «Чорсу» даҳаларига яқин жойлашган. Бир маҳаллар Чин юртидан келган тўжорлар шу дарвозадан ўтган ва Чорсуда савдо қилган бўлса не ажаб. Халқларимиз ва мамлакатларимизнинг дўстона алоқалари бугунги кунда замон талабларига мос равишда ривож топиб бормоқда. Бу — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатнинг амалий самарасидир.

(ЎЗА)




МАТБУОТ МАРКАЗИ: САММИТНИ ЁРИТИШДАГИ ҚУЛАЙЛИК

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Саммит тадбирларини ҳар томонлама, жаҳон узра кенг ёритишда журналистларга қулайлик яратиш мақсадида «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ёнидаги Халқаро Бизнес маркази биносида матбуот маркази ташкил этилди. Марказ 300 га яқин

маҳаллий ва хорижий журналистларнинг фаолият курсатиши учун замонавий техника ва алоқа воситалари билан бадастир жиҳозланган. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари ходимлари «Интернет» тармоғидан бепул фойдалана оладилар.

Тошкент саммити кунларида Россиянинг «Новости» халқаро ахборот агентлиги «Терроризм ва наркотиклар — ци-



визацияга хавф» мавзусида фотокўргазма ташкил этди. Аксилкриминал ва аксилтеррор фондининг маълумотлари кўра, ўтган аср 90-йиллари бошидан бери жаҳонда салкам 2500 та террорчилик ҳаракати амалга оширилган. Хуружлар натижасида 6892 киши ҳалок бўлган. Қарийб 25 минг киши эса яралган.

Терроризм чегара билмайди, шу боис бир ёқадан бош чика-

риб у билан курашиш керак. Шунинг ҳам айтиш лозимки, ҳозир жаҳонда фаолият кўрсатётган 564 та террорчилик маркази дунё узра кўрқув қўланқасини солишга интилмоқда. Кўргазма иккинчи қисмининг мавзуси сифатида наркотикларнинг танлангани ҳам бежиз эмас. Москвадаги «Квартал» болалар-ўсмирлар наркологик мажмуасида даволанаётган пёхванд-болалар чизган расмларда умидворлик, ёруғлик ва ҳаётга интилиш устуворлигини ҳис этиш мумкин.

Қисқаси, кўргазма мавзуси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига ҳамоханг. Зеро, ушбу ташкилот наркотиклар ва терроризм хавфи ҳамда дағдағаларига қарши кураш мақсадида тузилган.

Алишер РЎЗИЕВ

Суратларда: «Матбуот маркази»да ташкил этилган фотокўргазма; 80га яқин компьютер, 40га яқин халқаро сўзлашув телефонлари, факс, нуска кўчириш аппаратлари бугун журналистлар ихтиёрида бўлади; Халқаро Бизнес маркази биноси.

Шавкат АҚРАМОВ
«олган суратлар»

ШОҲМОТ ТОЖИГА ДАЪВОГАР

Люксембургда бўлиб ўтган «Эндер Гебнис Опен» халқаро турнирида юртдошимиз Рустам Қосимжонов муҳим ғалабага эришди.

Жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатдан 350 нафардан зиёд шоҳмот усталари, Осиёю Европа чемпионлари қатнашган мазкур турнирда Рустам Қосимжонов 9 имкониятдан 8 очко тўплаб, ғолиб бўлди. Дунёнинг кўзга кўринган шоҳмотчилари ўртасида бундай ғалабага эришиш осон гап эмас, албатта.

Халқаро гроссмейстер, 25 ёшли шоҳмотчимиз эртага Ливиянинг Триполи шаҳрида бошланадиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шаънини ҳимоя қилади. Бўлажак «жанг»ларда унга омад тилаймиз.

Фаррух ҲАМРОЕВ



«LIBERTY TV» КАНАЛИДА — ЎЗБЕКИСТОН

«Liberty TV» каналида эфирга узатилган Наврўз байрами тантаналари ҳақидаги фильм Ўзбекистонга бағишланган туркум кўрсатувлар намоийшини бошлаб берди

Бенилюкс мамлакатларида машҳур бўлган ушбу телеканал сайёҳлик тарғиб этишда нуфузли мавқега эга. Унинг дастурлари Франция, Германия, Греция, Польша ва Европанинг ўн миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган қатор давлатларида қабул қилинади ва доимий муҳлис-лар аудиториясига эга.

Бельгиялик тележурналистлар Тошкент, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб, ўзбек халқининг урф-одатлари ва аъёнлари билан яқиндан танишдилар.

«Liberty TV» каналида Ўзбекистон ҳақида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган илк кўрсатув юртимизнинг диққатга сазовор тарихий, ма-

даний ва сайёҳлик масканларига бағишланди. Унинг алоҳида саҳифаларида Наврўз байрами ҳамда Ўзбекистонда кенг тарқалган чавандозлик бешлашуви — улоқ ўйини ҳақида ҳикоя қилинади.

Яқин кунларда Бухоро ва Самарқандга бағишланган фильмларни телеэкранга чиқариш режалаштирилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир фильм ҳафта давомида ҳар кун уч мартадан эфир юзини кўради. Бу эса европалик кўпмиллионли телетомошабинлар аудиторияси ва сайёҳлар учун мамлакатимиз билан янада яқинроқ танишиш имкониятини яратди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!

Ўзбекистон — Хитой: ИККИ ТОМОНЛАМА МАНФААТДОРЛИК — УМУМИЙ БОЙЛИК

Муболага эмас, сўнги йилларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ўз тарихидаги энг юқори поғонага кўтарилди, дейиш жоиз. Тўқмачилик, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, кимё, коммуникация соҳаларида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Айниқса, савдо ва иқтисодий соҳаларда жадвал сўраётган билан ривожланимда. Янги-янги қўшма корхоналар қад ростлаб, биргаликда ишлаб чиқилган лойиҳалар муваффақиятли амалга ошмоқда. Масалан, биргина жорий йилнинг январь-апрель ойларида Узоро савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134 фоиз ошиб, 220 миллион АҚШ долларига етди. Ҳозир умумий қиймати 100 миллион АҚШ доллари тенг яна бир қатор

икки томонлама лойиҳалар устида иш олиб борилаёпти. 1995 йилнинг иккинчи ярми бошларида иш бошлаган «Сувжизҳозгаз» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолияти ана шундай ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин мисолларидан биридир. Низом жамғармаси 510 минг АҚШ доллари миқдоридagi корхона асосан газ ва сув ўлчагич жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, айни пайтда машинарий ва саноат корхоналари газ ўлчагич асбобларининг иш жараёнини назорат қилиш ҳамда уларни таъмирлаш юмушларини ҳам бажариб боради. Биргина ўтган йили бу ерда 300 минг дона газ ўлчагич жиҳозлари тайёрлаб, уларнинг 99 фоизи истеъмолчиларга етказиб

берилди. Шунингдек, мамлакатимиз вилоятларида корхонанинг тўққизта таъмирлаш ва сервис хизмати кўрсатиш марказлари ҳам ишлаб турибди. Бундан ташқари Тошкент енгил саноат машинасозлиги заводи ҳудудидан 9 минг квадрат метр майдон ажратилиб, у ерда ҳозир корхонанинг юқори босим билан ишлайдиган қуёв цехи, механик ишлов бўёқлаш, йиғув цехлари, герметик жараёнлар ва жиҳозларни ишлаб чиқариш шабоҳчалари ҳамда лаборатория фаолият кўрсатмоқда. — 150 нафардан зиёд малакали мутахассислар (улар орасида фан номзодлари бор) ва ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган жамоамиз, — дейди қўшма корхона бош дирек-

тори Хун Юань Чао, — жорий йилда газ ўлчагич жиҳозлари ишлаб чиқариш кўрсаткичини 600-800 минг донага етказишни мақсад қилишган. Айни пайтда улар бу йил сув ўлчагич жиҳозлари тайёрлаш юзасидан ҳам белгиланган давлат режаларини тўла адо этишга бел боғлашди. Бунинг учун ҳозирга зарур ускуналар келтирилиб, монтаждан чиқариб қўйилди. Дастлабки йили 100 минг дона, кейинчалик 300 минг дона сув жиҳозлари ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Келажакда газ билан ишлайдиган энг тежамкор иситув қозонхоналари ускуналарини тайёрлашни ҳам йўлга қўйишни мўлжаллаётмиз...

Бош директор хижосия бизга Ватанимиз пойтахти Тошкентда ўтаётган ШХТ саммитида мамлакатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик сари қўйилган тобора катта одимларга, халқларимиз яратмаж умумий мўлққа бўлган икки томонлама манфаатдорликка ёрқин ишорадек туюлди. Дарвоқе, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао ўртасида бўлиб ўтган музокараларда таъкидланганидек, Узоро ишонч ва ҳурматга ҳамда икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари халқларимизнинг умумий бойлиги, умумий мақсаддир. **НОМЗ САЪДУЛЛАЕВ, ИЛҲОМ ҚАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

Депутатлар халқ орасида МУҲИМИ — ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоси, парламентнинг Иқтисодий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машкура Сафарова Қашқадарё вилоятида бўлиб, ўз сайловчилари ҳамда қатор корхона, ташкилот, ўқув юртлири жамоалари билан учрашди. Депутат жумладан, Нишон туманидаги агроиқтисодиёт, Қарши шаҳридаги педагогика коллежлари жамоаси, Қарши шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари, «Қашқадарёнефтегаз» АЖ ишчи-хизматчилари, вилот 1-сон шифонаси ходимлари ҳамда Ҳузур туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги маҳаллалар аҳли билан мулоқотда бўлди. У учрашувлар чоғида қабул қилинган қонунларнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти, Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтар экан, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларни турли ёшон оқимлардан асраш учун зарур билим ва касб билан таъминлашдан ташқари ватанпарварлик, миллий истиқлол руҳида тарбиялашни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Партия Марказий Кенгаши аъзоси бўлган М.Сафарова, шунингдек, УзХДП Қарши шаҳар ташкилоти конференциясида иштирок этиб, сўзга чиқди. Утказилган учрашув, мулоқот ва йиғилишларда Қашқадарё вилот ҳокимининг ўринбосари, вилот хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Холбоева, вилот ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Н.Ҳакимов ҳамда Ўзбекистон ХДП вилот кенгаши биринчи котиби О.Равшанов иштирок этдилар.

ХДПдан Олий Мажлис депутатлигига сайланган Буритош Шодиева «Меҳр ва мурват йили» дастурини амалга оширишда ибрат кўрсатди. Барги кенг ва сунхий она ўз ҳисобидан Узун туман марказий шифона-

ДЕПУТАТНИНГ ҲИММАТИ

си боғида Узун, Жон-чекка, Телпақчинор, Оқостона қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида яшаётган 25 нафар етим ва иқтисодий ночор оилалар фарзандларининг суннат тўйини ўтказиб берди. Бу хайрли ишда унга Узун туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ХДП туман кенгаши қўмақлашди. Туман маданият уйининг ҳаваскорлар дастаси ихро этган куй ва қўшиқлар тўйга фойз киритди.

«Пилла — 2004» НИЯТИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСА, МУРОДИНГ ҲАМ УЛУҒ


Ҳақ гап. Наманганлик пиллакорлар эришган бугунги ютуқ ҳам шундан далolat. Илгор тажрибаларга таянган ҳолда маромида парвариш қилинган ипак кўртлари ҳосили бу йил ҳар қачонгидан баракали бўлди. Давлатта шартномавий режадаги 1700 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси барвақт топширилди. Бунинг 85 фоизи юқори навларга сотилди. Қўти бошига кўтарилган хирмон вилот бўйича ўртача 51 киллограммни ташкил этди. Қўлга киритилган муваффақиятда Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон, Чуст туманлари зарбуносларининг ҳиссаси айниқса юқори бўлди. Чустдаги «Дамобод» ширкат ҳўжалигида ҳар кўти кўрт уруғи ҳосилдорлиги салкам 75 киллограммга етди. Шунингдек, вилотнинг бошқа туманларидаги «Ўзбекистон», «Файрат», «Гушан», Навоий номили, «Бирлашган», «Тўрақўрғон», А.Шамсуддинов номили ширкатлар ва «Тулпор» фермер ҳўжалигида ҳам бу кўрсаткич 60-65,5 киллограммдан ошди. — Соҳани Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вилот кенгаши оталиққа олган, — дейди вилот «Пилла» акциядорлик бирлашмаси раиси Салоҳиддин Фафуров. — Сара ва харидорбон ҳосил этиштириш ва уни йиғиб олишда кенгаш фаолларининг иштироки ва кўп йиллик тажрибаларимиз жуда-жуда асқотди. Мўлжалимиз — ялғи ҳосилни яна 50 тоннага ошириш...



ХОРАЗМЛИК ХАЛҚ УСТАСИ УСТАХОНАСИДА

Янгириқ туманида Султонбой Отажоновнинг номини айтсангиз, етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билади ва ота-хонни «Қўли гул устамиз» дея таърифлайди. У киши раҳбарлигида шогирдлари тайёрлаётган қулоччилик буюмларини кўрсангиз кўзингиз қувнайди. Ўзбекистон халқ устаси Султонбой Отажонов 2000 йилда хайрли ишга қўл урди. Оилавий «Зангори қулоччилик устaxonасини» ташкил қилди. Ҳозир бу ерда отанинг фарзандлари, неваралари, тоға-хиянлари фаолият кўрсатаёпти ва устанинг ҳўнарларини кўнгил билан ўрганаёпти. Улар тайёрлаётган саксондан зиёд турдаги қулоччилик махсулотларига талаб тобора кўпаймоқда.

Суратларда: Ўзбекистон халқ устаси Султонбой Отажонов; Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Баҳодир Отажонов; зангори қулоччилик махсулотларидан намуналар.



ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Навоий, Урганч шаҳар ташкилотларининг навбатдаги конференциялари бўлиб ўтди. Партия ташкилотининг беш йиллик фаолияти таҳлилий бағишланган мазкур йиғилишларда улар томонидан амалга оширилган оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, аҳоли диққат марказидаги турли масалаларда партия ташкилотларининг иштироки, шунингдек, партия кенгашлари фаолиятининг кейинги йўналишлари муҳокама қилинди. Конференцияларда шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари У.Мусаев, О.Абдуллаевлар партия ташкилотларининг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот берар эканлар, йўл қўйилган камчиликларни очиб айтдилар. Йиғилишда партия кенгашларининг янги аъзолари, вилот партия ташкилоти конференциясига делегатлар сайланди.

ЎзХДП Чиноз туман ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Партия кенгаши биринчи котиби Т.Умаров ташкилотнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти тўғрисида ҳисобот берар экан, амалга оширилган ишлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Усусан, туман аҳолисининг 52 фоизини аёллар ташкил қилаётган бир пайтда, партия ташкилоти хотин-қизлар билан иш олиб боришда сусткашликка йўл қўяётганлиги, бошлангич партия ташкилотларига бириккан базми

ХДП аъзоларининг БПТ фаолиятига аралашмасликлари танқид остига олинди. Тошкент вилот ҳокими ўринбосари, вилот хотин-қизлар қўмитаси ўринбосари А.Аҳмад-жонов партия ишига аёлларни жалб қилиш чора-тадбирлари ҳақида гапирди... Конференцияда сўзга чиққан бошқа фаоллар ҳам кўпгина долзарб муаммолар, уларга нисбатан партия кенгашлари нуктаи назарини шакллантириш масалалари юзасидан тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. **ХДП Нурота, Богот, Урганч туман ташкилотлари** конференциялари ҳам худди шундай танқидий руҳда ўтди. Партия кенгашлари биринчи котиблари Т.Одиллов, И.Юсупов, Х.Вайсановлар ташкилотларнинг 1999 йил май ойидан 2004 йил июнь ойигача бўлган фаолияти юзасидан ҳисобот бердилар. Музокараларда сўзга чиққан партия фаоллари ташкилотлар фаолиятига танқидий нуктаи назардан баҳо бердилар ҳамда жорий йил охирида бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий воқеа — сайловларга пухта тайёргарлик қўриш, қўлинидан ишлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Конференцияларда ХДП вилот кенгашлари биринчи котиблари Р.Ботиров ва Р.Сабуров иштирок этди. **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ДЕНОВДА «О'КТАМБАНК» БЎЛИМИ

Туман марказида «О'ktambank» хусусий очик акциядорлик тижорат банки бўлими иш бошлади. Мазкур банк дастлаб 1998 йил Қашқадарёда ташкил этилган. Бугунги кунда унинг 4 та минчи ва 2 та эркин валюта айрибoшлaш ш-

ҳобчаси бор. 1500 га яқин тадбиркор, ишбилармон ва деҳқон-фермер ҳўжаликлари ҳам унинг миҳозлари. — Элга, юртга намунали хизмат кўрсатиб, Деновда ҳам кўплаб хайрли ишларга қўл урмоқчимиз, — дейди банк бош-

қарувчиси Собиржон Эшқулов. — Аҳоли маблағларини омонатга жалб этиш ва миҳозлаган кредитлар бериш салмоғини ошириш борасида Денов бўлимида ҳам хали қатор ангилқлар жорий этишни мўлжалга олдик. **(Ўз мухбиримиз)**

Юртимизда айни ёз давом этапти. Бундай паллаларда одатда қишлоқ меҳнатқашларининг иши кўпайиб қолади: пиллакорлар сўнгги килограммларни йиғиштириб, катта хирмонга топшираётган бўлсалар, пахтакорлар гўза парваришини авж олдиришмоқдалар. Фаллазорларга эса айни ўроқ тушган.

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Бухоро вилот бошқармаси жамоаси ҳам бундай долзарб паллада қишлоқ меҳнатқашларини кўллаб-қувватламоқда. Жумладан, эҳтиёт қисмлари, минерал ўғит ва ёнилиг-мойлаш материаллари ҳамда техника воситалари сотиб олиш учун ширкат ҳўжаликларига 284 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Қисқа муддатда тўққизта «Алтай» трактори олиб берилди. Бундан ташқари, «Агрошарф» ва «Агроимётаъминот» тизимига кирувчи корхоналарга ҳам катта миқдорда ёрдам берилди. Умуман қишлоқ ҳўжалик корхоналари 68 та 1-4 «Алтай» тракторларига эга бўлишлари учун банк томонидан кўрсатилган ёрдам диққатга сазовордир.

Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ ҳўжалигини замонавий техника, товар ҳамда моддий бойлиқлар билан таъминлаш механизмининг янада такомиллаштириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, тараққиёт омилли ҳисобланган фермерликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Ушбу масалаларнинг ҳар то-

монлама муваффақиятли хал этилиши банк тизимига боғлиқлигини бошқарма ходимлари яхши биладилар. Яъни бизнесни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Оила фаровонлигининг манбаи бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин оила даромади асосан иш ҳақидан таркиб топган бўлса, энди ҳар бир оила кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши лозимли-

казилиб, тадбиркорларга кредит беришда ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб берилди ва истиқболли режа ошиғи билан баҳарлиликка эришилди. — Президентимизнинг 2003 йил январаги бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида илгари сурилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг мазкур йиғи мўлжал-

бўлиши мўлжалга олинди. Ҳар бир туман ҳокимлигида мавжуд пахта ва галла етиштирувчи деҳқон-фермер ҳўжаликларини раҳбарлари тақли қилиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 383- ва 476-сонли қарорлари моҳияти ва фермер ҳўжаликларини учун берилган имтиёз ҳамда қўлайлиқлар ҳақида тушунтириш ишлари олиб бoрилиб, семинарлар ўтказилди. **Рақамлар сўзлайди:**

2004 йилнинг 4 ойи давомида миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш борасида республика ҳўкумати ҳамда Марказий банк томонидан олиб бoрилаётган пул-кредит сиёсатини кўллаб-қувватлаш, қучли иқтисодий сиёсатни амалга ошириш бўйича АТ «Пахтабанк»нинг Бухоро вилоти бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг истеъмоли бозорини тўлдириш, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда пул тушувларини назорат қилиш бўйича қарорлари ҳамда Мар-

қарувчиси Собиржон Эшқулов. — Аҳоли маблағларини омонатга жалб этиш ва миҳозлаган кредитлар бериш салмоғини ошириш борасида Денов бўлимида ҳам хали қатор ангилқлар жорий этишни мўлжалга олдик. **(Ўз мухбиримиз)**

ИЗЧИЛЛИК — ЮТУҚЛАР ИЛДИЗИ

АТ «ПАХТАБАНК» БУХОРО ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИБРАТЛИ ИШЛАР ХУСУСИДА

гини ҳаёт тақозо қилмоқда. Аммо, шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолининг, айниқса оилаларнинг турмуш шароитини, яъни фаровонлигини яхшилаш учун тегишли ишлар амалга оширилиши мўлжалга олинди. Жумладан, оилавий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 3 июнда 1146-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган Низомга асосан 45 та оилавий тадбиркорлик субъектига 35,5 млн. сўм миқдорига микрокредитлар ажратилди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириши Кенгаши тасдиқланган истиқболли режаси (параметр) жойларга ет-

ланган асосий йўналишлари негизинда «Пахтабанк» тизими олдида турган 2004 йилги устувор вазифаларини белгилаб олгандик, — дейди «Пахтабанк» вилот бошқармаси раҳбари Раҳим Фафуров. — Усусан, банкнинг капитал базасини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ ва унга хизмат кўрсатувчи таъминот корхоналарига, деҳқон ва фермер ҳўжаликларига замонавий минитехнологиялар ва қишлоқ ҳўжалиги техникаларини олиш учун молиявий лизинг хизматлари кўрсатишни кенгайтириш, халқаро молиявий ташкилотларнинг кредит линияларини ҳисобидан маблағ ажратишни янада фаоллаштириш,

боғлиқ бўлган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш асосий фаолиятимиз сирасига кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 516-сонли ва 2002 йил 5 январдаги 8-қарори талабларини бажариш, аҳоли омонатларини жалб қилишни янада тақомиллаштириш, кичик ва хусусий бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш ва уларни кўллаб-қувватлаш мақсадида «Пахтабанк» туман бўлимида ридан узок масофадаги аҳоли тизим шайдириш қишлоқ ва маҳаллаларда минибанк ташкил этиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда вилотимизнинг Ромитан, Қоракўл ва Қоровулзор туманларида 12 та минибанк

«Пайкент» ва Жондор туманининг «Андижон» ширкат ҳўжаликларини худудида минибанк шабоҳчалари ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Шу билан биргаликда, Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорига асосан вилотимиз бўйича 30 та ҳўжалик 2004 йилда фермер ҳўжаликларига айлантирилиши муносабати билан банкнинг томонидан фермерларга қўлай шароитлар яратиш мақсадида 10 та минибанк ўз фаолиятини бошлади. АТ «Пахтабанк» Бухоро вилот бошқармаси томонидан

Ушбу ташкилий ишлар натижасида жорий йилнинг январь-март ойларида 1431 та фермер ҳўжалигининг 2004 йил пахта ҳосилини етиштириш учун 1228,3 млн. сўм ва 351 та фермер ҳўжалигидан галла ҳосили етиштириш учун 205,6 млн. сўмлик кредит учун талабномалар тушириш, улар тўлиқ кредит ресурслари билан таъминланди. Ушбу имтиёзли кредитларнинг фермер ҳўжаликларини учун афзаллик томонлари шундан иборатки, улар ерга ишлов бериш учун техника хизматидан фойдаланиш, минерал ўғитларни ҳамда ёнилиг-мойлаш материалларини ўз вақтида ва зарур миқдорда олиш имкониятига эга бўлди.

қазий банкнинг нақд пул тушувчасида жорий йилнинг январь-март ойларида 1431 та фермер ҳўжалигининг 2004 йил пахта ҳосилини етиштириш учун 1228,3 млн. сўм ва 351 та фермер ҳўжалигидан галла ҳосили етиштириш учун 205,6 млн. сўмлик кредит учун талабномалар тушириш, улар тўлиқ кредит ресурслари билан таъминланди. Ушбу имтиёзли кредитларнинг фермер ҳўжаликларини учун афзаллик томонлари шундан иборатки, улар ерга ишлов бериш учун техника хизматидан фойдаланиш, минерал ўғитларни ҳамда ёнилиг-мойлаш материалларини ўз вақтида ва зарур миқдорда олиш имкониятига эга бўлди.

Ушбу ташкилий ишлар натижасида жорий йилнинг январь-март ойларида 1431 та фермер ҳўжалигининг 2004 йил пахта ҳосилини етиштириш учун 1228,3 млн. сўм ва 351 та фермер ҳўжалигидан галла ҳосили етиштириш учун 205,6 млн. сўмлик кредит учун талабномалар тушириш, улар тўлиқ кредит ресурслари билан таъминланди. Ушбу имтиёзли кредитларнинг фермер ҳўжаликларини учун афзаллик томонлари шундан иборатки, улар ерга ишлов бериш учун техника хизматидан фойдаланиш, минерал ўғитларни ҳамда ёнилиг-мойлаш материалларини ўз вақтида ва зарур миқдорда олиш имкониятига эга бўлди.

Шоҳидар МИРҲАБИБОВ, МИРҲАБИБ МИРФАЙЗЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ БАҲО

Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва туман кенгашларининг шу кеча-кундузда қизғин давом этаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотлари фаолиятига баҳо берилмоқда. Буни яқинда бўлиб ўтган ХДП Навоий шаҳар кенгашларининг III конференцияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Йиғилишда кенгаш биринчи котиби Улугбек Мусаев партия ташкилотининг 1999 йилдан то 2004 йилнинг шу даврига қадар бўлган фаолиятига ҳолисона, таҳлилий ва танқидий баҳо берар экан, ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган нуқсон, камчиликлари ҳам тўхтади.

— Кенгашимиз амалий хатти-ҳаракати ва икки конференция оралиғидаги ишларни тўлиқ сарҳисоб қиладиган бўлса, партия ҳаётида туб бурилишга эришилган, — дея ўз ҳисоботи ни бошлади нотиқ. — Дастлаб бошланғич партия ташкилотлари шисини 41 та бўлиб, уларга 780 нафар ХДП аъзоси уюшган эди.

Айни пайтда улар сони 1510 нафарга, кўйи партия ташкилотлари эса 55 тага етди. Гап фақат аъзолар сони ва бошланғичларни кўпайтиришда эмас, балки одамлар дардига шерик бўла оладиган содққ қишиларни топиш, уларда партия обрўси ва нуфузи учун масъулиятни шакллантириш зарур. Қачонки сифатимизга обрўли, дунёқараши кенга, сиёсий маданияти юқори ва фаол инсонлар кўпроқ жалб қилинсагина барча жабҳада олға силжи оламиз.

Тўғри, партия ташкилоти етакчиси қилинган ва қилиниши керак бўлган ишларни рўй-рост, очик таҳлил қилиб ўтди. «Электрониким», «Кизилкумента» корхоналарида, «Навоий Азот» очик акциядорлик жамиятида бошланғич партия ташкилотларининг роли ва мавқеи бир қадар ошганлигини таъкидлади. Афсуски, Навоий ГРСИ, Навоий Қурилиш бошқармаси, Тоғметаллургия комбинатларида ХДП бошланғич ташкилотининг ўрни сезилмаётганини, бу гигант корхоналар раҳбарлари сиёсий партия ҳаётига, эртанги сайловларга бефарқ қараётганини қуончакли билан гапирди. Ҳа, Навоий шаҳрида 100 дан зиёд миллат ва эллатга мансуб, 180 минг аҳоли яшаётганини ҳисобга оладиган бўлса, ХДП шаҳар кенгашнинг аъзолари масаласида ҳали жуда кўп ишлаш кераклиги аён бўлади. Агар Юртбошимизнинг республика Олий Мажлиси XIV сессиясида сиёсий партияларнинг иши мўрт ва заиф, уларнинг сиёсий майдондаги рақобати, кураши суст, деган ошқора танқиддан холисона хулоса чиқарадиган бўлса, иш қўлами хаддан кўп экани ақвол сезилади. Шаҳар кенгаши аъзолик бадаллари, унинг ўз вақтида тушуми хусусида ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширган. Кенгаш назорат тафтиш комиссияси раиси Рамазон Рустамовнинг ҳисобот беришича, 1999 йилда бадаллардан атиги 600 минг сўм йи-

гилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 2 миллион 243 минг сўмга етган. Жорий йилнинг 6 ойи кўрсаткичлари шуни кўрсатаяптики, ўтган йилги олти ойлик нисбатан аъзолик бадалли тушуми қарий икки баравар қўлайган.

Ҳар икки қилинган ҳисобот маърузалари юзасидан музокара-ларда сўзга чиққан делегатлар М.Бахриев, Б.Бомуродов, Г.Норкулов, Б.Норов ҳам ХДПнинг обрў ва нуфузини янада ошириш, бўлажак сайловларда собитқаддам бўлиб, кўпроқ ваколатга эга бўлишларини уқтиришда ҳамда конференция ишини қаноатли, деб топишди. Конференцияда У.Мусаев шаҳар партия кенгаши биринчи котиби-лигига қайта сайланди.

Конференцияда Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари Р.Ҳакимова ва ХДП Навоий вилоят кенгашнинг биринчи котиби Р.Ботировлар иштирок этишди.

Конференцияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул бўлиб, июль ойида қилиб ўтядиган ХДП вилоят кенгаши III конференциясига делегатлар сайланди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овозини»
мухбири

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улугбек туман Кенгашнинг III конференцияси иштирокчилари анжуман кун тартибидеги масалалар муҳокама этар эканлар, ворислик масаласига ҳам алоҳида тўхтадилар. Чунки сўнги пайларда ўзларини муҳолиф деб атаётган айрим партияларнинг вакиллари УХДП шайъага ноўрин гап-сўзларни айтишмоқда. Омавий ахборот воситалари орқали партия-ямиз обрўсига путур етказувчи ёлгон маълумотларни тарқатишмоқда.

— Партияимизни камситиб, шу йўл билан халқ орасида обрў ортиришга уринаётган ноҳолис нияти кишиларга зарба беришимиз керак, — деди туман партия кенгаши биринчи котиби Раёно Сатторова. — УХДП собиқ компартиянинг вориси, деб иғво қилаётганлар ниятларига етолмайдилар.

Бизнинг сафларимиз иймон-этиқоди бутун, мустақиллигимизга садоқатли кишилардан иборат. Биз собиқ партиянинг мулк-ий ворисимиз, ҳолос. Айни пайтда таъкидлаш жоизки, партияимиз тасарруфига ўтган мулкнинг асосий қисмини ихтиёрий равишда давлат ҳисобига ўтказгани ҳам бор гап!

2000 йил 1 декабрдаги маълумотга кўра, УХДП ворислик ҳуқуқига мувофиқ ўтган умумий сатҳи 516,2 минг кв.метри ташкил этувчи 226 та ижтимоий аҳамиятга молик бинолардан 181 тасини (шундан 149 таси текин) давлат тузилмаларига топширган.

Чўқур таҳлил — келгуси ишларнинг боши, таъбир жоиз бўлса, муваффақият омили ҳамдир. Шу боис конференция иштирокчилари ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни, йўл қўйилган хато ва камчи-

ликларни чўқур ва ҳолис таҳлил этдилар. Туман партия кенгаши ташкил этган Фаоллар ҳуқуқий маданиятини ошириш факультетининг фаолияти диққатга сазоворлиги таъкидланди. Унинг ишида ЎзФА тизимидаги институтларнинг илмий ходимлари, олий ўқув юрталарининг ўқитувчи-профессорлари иштирок этаётгани машғул-ларнинг юқори савияли бўлишини таъминлаётди. Бунда олимлардан Қўчқор Хоназаров, Тўра Мирзаев, Эътибор Ҳошимов, Даврон Аҳмедов, Динара Азимова, Жонон Юнусова, Мирноий Файзиев, академиклар Нодир Тўраев, Зокиржон Салимов, Жўра Абдуллаевларнинг хизматлари катта.

Туман кенгаши конференциясида УХДП МК котиби С.Усмонов қатнашди ва сўзга чиқди.

Норбобо ШАКАРОВ

СУРХОНДАРЁДА СЕМИНАРЛАР

Вилоят ҳокими ташаббуси билан жойлардаги мавжуд аҳолини ўрганиш ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ишлар савиясини кўтариш мақсадида кўрик-семинарлар ўтказилди. Унда вилоятдаги барча бошқармалар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирок этмоқда-

лар. Ҳозир Музробод ва Шеробод туманларида бўлиб ўтган бундай тадбирларда жойлардаги мактаб, шифохона ҳамда оилалардаги ибратли тажрибалар омаллаштирилиб, ечимлини кўтаётган айрим муаммолар ижросига ҳам киришилмоқда.

— Халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, улар ташаббус билан меҳнат қилишлари учун қўлай шарт-шароит яратиш — энг муҳим ва долзарб вазифа, деди Музробод туманида бўлиб ўтган йиғилишда вилоят ҳокими А.Эшмуротов. — Мақаллар, мактаблар ва ўқув юрталарида ҳали қўйлаб камчиликлар борлиги сир эмас. Тоза ичимлик суви, электр энергияси ҳамда газ масалалари таъминотида хануз қатор «тўғаноқли» вазиятлар мавжуд. Мақсадимиз — зудлик билан қора-тадбирлар кўриб, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кўчатириш... Туманларда ўтаётган бундай амалий кўрик-семинарлар давом этмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Халқаро ҳуқуқ

ДИПЛОМАТИК ИММУНИТЕТ НИМА?

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганига ўн уч йил тўлмоқда ва мамлакатимиз ўтган шу давр мобайнида халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро майдонга дадил қадамлар ташламоқда. Ўзбекистон 180 та давлат томонидан халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинди ва 120 та давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатити тўғрисида шартномалар имзолаган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон 25 та давлатга ўз дипломатик ваколатхоналарини очди ҳамда шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудида 30 дан ортиқ чет эл ваколатхоналари очилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ўз фаолияти ва вазифаларини тўлиқ, эркин амалга ошириш мақсадида уларга дипломатик иммунитет ва имтиёзлар берилади.

Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар — бу дипломатик ваколатхоналар, уларнинг бошлиқлари ва ходимларига бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлардир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дипломатик иммунитет ва имтиёзларнинг қўйидаги турлари, яъни дипломатик ваколатхоналарга нисбатан қўлланиладиган дипломатик иммунитет ва имтиёзлар (ваколатхона мулки ва кўча мулкларининг, архивлари ва ҳужжатларининг, алоқа сирлари ва эркинлигининг дахлсизлигига) ҳамда дипломатик ходимларнинг шахсий иммуни-

ЯНА БИР НОМЗОД РЎЙХАТГА ОЛИНДИ


Чеченистон сайлов комиссияси республика президентлигига тўққизинчи номзодни ҳам рўйхатга киритди. Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди.

Номзод Электрогорск шаҳрида яшовчи пенсионер Хусейн Бибилатов бўлиб, у аввалги сайловда ҳам номзодини қўйган ва 5 фоиздан ортиқ овоз олишга эришган.

Собиқ совет даврида у Чеченистон

«госплан»и раиси, сўнг Ножай-Юрта тумани етакчиси бўлган.

Шу ўринда аввалги етти номзодни эслатиб ўтамиз. Улар: Ростов шаҳри фуқароси, шифокор Марат Зайналабиров, Россия Федерацияси давлат думаси депутаты ёрдамчиси Александр Малишкін, шифокор-жарроҳ, академик Султон Айсонов, Грозний шаҳри фуқароси, адвокат Адам Эдилов, москвалик тадбир-



Шарҳ

ЕВРОПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРМАДИ

Аввал хабар қилганимиздек, Европа Иттифоқида аъзо 25 давлатда 4 кун давомидан Европарламент учун сайловлар бўлиб ўтди. Унинг натижалари...

ЕИнинг «эски» 15 аъзоси мазкур сайловларда муҳолифатдан хавфсизлаётган эди. Ва бу хавф ўзини намоён этди. Яъни, кўпгина «эски» аъзо давлатлардаги ҳукмрон партиялар муҳолифатдаги партияларга ютқазиб қўйди.

Аввало шуни айтиш кераки, сайловларда иштирок этувчилар даражаси ўта паст бўлди ва бу Европарламент фаолият юритаётганидан бери энг паст кўрсаткич, дея эътироф этилди. Шундай қилиб, ҳисоб-китоб бўйича олтинчи марта ўтказилган Европарламентнинг умумий сайловларида 44,6 фоиз, яъни

350 миллион сайловчидан 155 миллион нафаригина иштирок этди, ҳолос. Ваҳоланки, айрим давлатларда сайловда қатнашиш мажбурий қилиб қўйилди — кимки фуқаролик бурчини бажаришдан, аниқроқ, овоз беришдан бўйин товласа, жаримага дучор қилиниши ҳақида огоҳлантирилди. Шунда ҳам барбир...

Сайлов жараёнларининг бундай туз олишидан иккита хулоса чиқариш мумкин. Биринчиси, Европарламент европаликлар гам-тавишидан йироқда. Иккинчиси, ЕИга аъзо давлатларнинг халқлари мамлакатдаги ҳукмрон партия юритаётган сиёсатдан норози.

Сайлов натижалари борасида мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Германияда канцлер Герхард Шрёдер етакчилигидаги социал-де-

мократлар учун сайлов «халокатли» бўлди. Бу партия муҳолифатдаги Христиан-демократлар иттифоқи ва Христиан-социалистлар иттифоқига қараганда икки баравар кам овоз олди (ҳукмрон партия 21,5 фоиз, муҳолифатдагилар эса 44,5 фоиз). Шундай қилиб социал-демократлар Европарламентдан ўта ўрин йўқотишди ва 23 мандатга эга бўлишди. Муҳолифатчилар эса 49 мандатни қўлга киритишди.

Францияда ҳам шундай ҳолат кузатилди. Президент Жак Ширак етакчилигидаги партия учун сайловчилар 16,4 фоиз овоз беришган бўлса, муҳолифатдаги социалистик партияни 30 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган. Ваҳоланки, икки йил муқаддам миллий парламент учун бўлиб ўтган сайловларда Жак Ши-

рак етакчилигидаги партия катта фарқ билан ғалаба қозонганди.

Буюк Британиядаги ҳукмрон лейбористлар партияси етакчиси, мамлакат бош вазири Тони Блэр эса мазкур сайловдаги мағлубиятини Ироқ масаласида тутган позициядан кўрмоқда. «Бизни Ироқ учун жазолашди» деди унинг ўзи.

Консерватив партия лейбористлардан ғолиб чиқди, яъни Европарламентдаги 78 та ўриндан 20 тасини консервантлар қўлга киритган бўлса, лейбористлар 13 та ўринга эга бўлдилар ҳолос. Қолган ўринларни бошқа партиялар эгаллади.

Ироқ воқеаларида иштирок этгани ва мамлакатда юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати учун Италия бош вазири Сильвио Берлускони ҳам муҳолифатчиларнинг ўзига хос «жазоси»дан бенасиб қилмади. 73 фоиз сайловчи иштирок этган сайловда Берлускони етакчилигидаги партия 21 фоиз овоз олди.

Энди Европарламентдаги умумий ўринларга келсак Европа халқ партияси, яъни Европа демократларига уюшган консервативлар Европарламентдаги умумий 732 та ўриндан 272 тасини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Европа социалистлари партияси эса 201 та мандатни қўлга киритдилар. Учинчи ўрин 66 мандатга эга бўлган Европа либераллар, демократлар ва ислохотчилар партиясига насиб этди. Уюшган «яшиллар» 42 та овозга, ЕИга қаршиллар эса 12 та овозга эга бўлдилар.

Умуман, Германия, Франция, Бельгия, Италия, Буюк Британия, Венгрия, Польша, Дания,



Хитой. Қадимий меъморчилик намуналари

САЙЛОВ ҚАЙТА ЎТКАЗИЛАДИ

Яқшанба кун Литвада навбатдан ташқари Президент сайлови ўтказилди. Унда сайловчилар республиканинг собиқ экс-президенти Валдас Адамкус, сўл-центристрлар партияси етакчиси, сейм аъзоси Казимир Прунскен, Литванинг Европа Иттифоқи музокаралари бўйича собиқ етакчи мутахассиси Пятрас Ауштравичюс, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазири Вилия Блинквичюс ва сейм спикери Чесловас Юршенас номзодлари учун овоз бердилар.

Бош сайлов комиссияси раиси Зенонас Ваигаускасинг «Интерфакс» агентлигига маълум қилишича, 2039 та сайлов участкаси бюллетенлари ҳисоб-китобларига кўра, В.Адамкус учун 30,45 фоиз, К.Прунскен учун 21,39 фоиз, қолган уч номзод учун эса 12 дан 19 фоизгача овоз берилган ҳолос. Бу шундан далолат бермоқдаки, овозлар Президент сайлаш учун етарли эмас. Шунинг учун ҳам республика қонунларига кўра, иккинчи босқич сайловлари ўтказилиши лозим. Сайлов кун 27 июнга белгиланди. Унда фақат В.Адамкус ва К.Прунскенларгина «куч синашади».

Бўлиб ўтган сайловда 78 ёшли В.Адамкусни ўнг либерал-центристрлар партияси қўллаб-қувватлаган бўлса, 61 ёшли К.Прунскен учун шу йилда импичмент йўли билан президентлик лавозимидан бўшатилган собиқ президент Роландас Паксас тарафдорлари ва сўл-центристрлар партияси овоз берган.

Умуман, сайловда рўйхатдаги 2,6 миллион сайловчидан 48,2 фоизи қатнашган.

2002 йил декабрда бўлиб ўтган Президент сайловида В. Адамкус 30 фоиз овоз олиб, либерал-демократлар партия етакчиси Роландас Паксасга ютқазган эди.



ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ ИШ БОШЛАДИ

Братиславада Словакиянинг янги Президенти Иван Гашпаровичнинг президентлик лавозимини қабул қилиш расмий маросими бўлиб ўтди. Президент Словакия Миллий кенгаши (парламент)да касамбёб қабул қилди.

Мамлакат Конституциясига кўра, бу ерда Президент 5 йилга сайланади. У давлат раҳбари ва Қуроли Кучлар олий бош қўмондониди ҳисобланади.

Апрелда бўлиб ўтган иккинчи босқич сайловда И.Гашпарович 59,91 фоиз овоз олиб, иккинчи номзод, собиқ бош вазир Владимир Мечъярдан ўзиб кетди ва мамлакат Президенти этиб сайланди.

3 апрель кун ўтган биринчи босқич сайловда И.Гашпарович 22,28 фоиз овоз билан

МУЗОКАРАЛАРНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ

Шимолий Корея (Корея Халқ Демократик Республикаси)нинг ядро дастури муаммолари бўйича олиб борилаётган олти томонлама музокараларнинг учинчи босқичи 23 июндан 26 июнгача Пекинда ўтказилди. Бу ҳақда Хитой Ташқи ишлар вазирлиги берган манбага асосланб Синхуа агентлиги хабар тарқатди.

Музокаралар бошланишидан олдин, яъни 21 июндан Хитой пойтахтида музокарада қатнашувчи давлатлар экспертларидан иборат ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. У ҚХДР ва АҚШ ўртасидаги келишимовчиликни юмшатиш бўйича иш олиб борди.

Олти томонлама музокарада ҚХДР ва АҚШ вакилларидан ташқари Россия, Хитой, Корея Республикаси (Жанубий Корея) ҳамда

БРИТАНИЯЛИКЛАР ЧЎНТАГИДАН...

Буюк Британиянинг ҳар бир фуқароси Греция пойтахти Афина Олимпия ўйинлари тайёргарлигига қарий 50 фунт стерлингдан сарфлашган. Ушбу маълумотларни Британия ҳукумати давлат маблағларини қандай сарф қилиши устидан назорат қилувчи жамоат ташкилоти — «Солиқ тўловчилар уюшмаси» эълон қилган.

Ҳисоб-китоблар Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган Олимпия ёрдами пакети (22,9 млрд фунт) доира-сида Буюк Британия Афинага ажратган маблағ (2,9 млрд фунт) негизда амалга оширилган.

«Солиқ тўловчилар уюшмаси» раиси Эндрю Оллум шунингдек, олимпия объектлари қурилишига ташкилий қўмади бюджетда кўзда тутилганидан анча кўп маблағ сарфланаётганлигидан ҳам ўзи хавотирлигини билдирди. Унинг маълумотларига қараганда бу ҳол қурилиш фирмаларига лойиҳалар ўз вақтида яқунланишини таъминлаш учун турли меливий имтиёзлар ваъда қилиниши билан боғлиқ.

Олимпия иншоотлари қурилишининг кенжиши бошқа сабабларга кўра ҳам хавотирга солмоқда. Британиялик етакчи қурувчи муҳандислардан бири Норман Трейн «Сан» газетаси муҳбирига шундай деди: «Хавфсизлиқни таъминлаш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Масъул хизмат ходимлари ва волонтерларнинг мажбуриятини қандай ўтказиш мумкин? Бўйинг учун спорт иншоотлари қурилиши яқунланишини кутиш зарур, агар иншоотлар бевосита ўйинлар бошланиши олдидан топширилса, хавфсизлиқни таъминлаш лозим бўлган кишиларнинг ўзлари у ерда адашиб қолишадилар!»

«Сан» эса тугалланмаган объектлар ҳимояси эканлигини таъкидламоқда. «Уларда қоровул ҳам йўқ, атрофи ҳам беркирилмаган», — дейлади газета маълумотларида.

Спорт

ТЕННИСИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ ЮЛДУЗИ
ЎКИ ФАРРУХ ДЎСТОВНИНГ ИТАЛИЯДАГИ ГАЛАБАСИ

Кунни кеча интернет сайтларидан бири эндигина ўн саккиз ёшга кирган ҳамюртимиз Фаррух Дўстов Италиянинг Сан-Флориано шаҳрида уюштирилган «Фьючерс» халқаро турнирида бош совринни кўлга киритганлигини маълум қилди.

Фаррух Дўстов билан телефон орқали болландик. — Алло, Фаррух... Тошкентдан «Ўзбекистон овози» тахририятдан кўнжор қилишимиз, табриклаймиз. — Катта раҳмат!

— Мусобақа таассуротлари ҳақида ўзингиздан эшитсак... — Мукофот жамғармаси 10.000 АҚШ долларини ташкил қилувчи бу турнирда олтинш ўрт қатнашчи каторида дунё профессионал теннисчилари таснифида кучли уч юзликдан жой олиб турган саккиз нафар ракеткачи қаторга чиқди.

— Апеннин яриморлида маҳоратим ошишига хизмат қилувчи мусобақалар жуда кўп. Уйдан, Тошкентдан келганимга йигирма кундан ошди. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, турнирларда кўпроқ тажрибамни оширишчман. Айни чоғда 18 июнь кунини Веронада бошланадиган навбатдаги «Фьючерс» халқаро турнирида қатнашиш учун ҳозирлик қўраяман.

Эркин ХОЛБОВО сўхбатлашди

Баркамол авлод орузу

ЧОРТОҚДАГИ ЧАҚМОҚ

ЎРУФИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗГА ТАРАЛМОҚДА



Чортоқдаги вилоят иқтидорли болалар лицей-интернатининг ташкил этилганига 10 йил бўлди. Утган давр оралиғида илм масканини 786 нафар йигит-қиз тамомлаб, уларнинг 715 нафари хориждаги ва мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юрталарига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

Чортоқдаги вилоят иқтидорли болалар лицей-интернатининг ташкил этилганига 10 йил бўлди. Утган давр оралиғида илм масканини 786 нафар йигит-қиз тамомлаб, уларнинг 715 нафари хориждаги ва мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юрталарига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган.

— Ота-бобомиз деҳқон ўтишган, ўғлимиз Отабек лицейга бориб имтиҳон топшираман, синавдан ўтсам, ўша ерда ўқиб, институтга кираман, деб қолди. Майли-ю, биздан илм кишии чиқармади, дегандим ўшанда. Мана лицейда ўқиб, пойтахтга борди. Бир яхши кадр бўлиб, ҳозир туман алоқа бўлимида бош муҳандис. Лицейдаги устозлар шарофати билан қаторга кириб қолдик, баракат топшишим.

Бундай дил сўзларини қўллаб эшитиш мумкин. Мақтабларда сўнги кўнжор жаранлаганига анча бўлиб, ёзи таътил эълон қилинган бўлса-да, бу илм масканида ҳаёт қайнади. Ота-налар, шу ерда ўқилиш ният қилган ўсмир-ёшлар, улар билан машғул муаллимлар илм маскани ҳовлисини ҳали тарқ этишмаган. Тез-тез кўнжор садод беради.

Яқунлаётган ўқув йили лицей тарихи учун янада муваффақиятли кечди. «Ил мактаби» республика кўрик-танловида жамоа фахрли III ўринни кўлга киритди. Айни пайтда ҳолийлар кўмаги, вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман ҳокимлиги эътибори билан янги ўқув йилига 90 фоиз тайёр бўлган бу илм маскани IREX компаниясининг «Ўзбекистон мактабларини компьютерлаштириш» бўйича грантига эгаллик тадоригини кўрмоқда.

Аниқ ва ихтимойи фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган лицей-интернатда таътилда ҳам кўнжор садоси тинмайди. Бу кўнжор илм-фан чуққилари сари даъватдир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ




Суратларда: олий тоифали ўзбек тили ва адабиёти фани муаллими Мухаррамхон Бойхонова лицейда ўқиш истиқолидаги иқтидорли болалар лицей-интернатининг ўқув йили тарихи учун янада муваффақиятли кечди.

А.НУРИДДИНОВ олган суратлар

«А» ДАН БОШЛАНИБ, «Д» ГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Португалияда Европа чемпионати ўйинлари қизгин давом этапти. Майдон эгаларининг дастлабки учрашувида греклардан мағлубиятга учрагани сўзсиз чемпионатнинг шов-шувуи бўлди.



Биз аввалги шарҳимизда «А» ва «В» гуруҳларида ўтказилган тўрт учрашув ҳақида мулоҳаза юритган эдик. Бугун эса «С» ва «Д» гуруҳларида бўлиб ўтган яна тўрт учрашув ҳақида тўхталамиз.

мутахассисларни хайратга солиб қолди. Учрашув эса Гимарайнш шаҳридаги 34,6 минг ўринли стадионда ўтказилди. Маълумки, Италия жамоаси биронта ҳам легионерсиз маҳаллий клублардан йиғилган футболчилардан таркиб топган.

Тундаги учрашувда битта эмас, бир йўла бешта тўп киритилишини ҳеч ким кутмаганди. Лиссабондаги «Да луш» стадионини тўлдириб ўтирган 65 минг мухлис ажойиб футбол гувоҳи бўлишди. Англия терма жамоаси бош мураббийи Свен Еран Эрикссон шундай деганди: «Шведлардан кўп нарса кутиш мумкин. Уларни ютиш осон эмас. Бу жамоа яхши уюшган, жисмонан етук.

«Д» гуруҳида ҳам иккита қизил карли ва марокки учрашув бўлди. Чехлар билан латвишларнинг учрашуви унутилмас таассурот қол-

дириди. Танафусга чиқиб олдиндан киевлик динамочи Марос Верлаковскик чехлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очди. Танафусдан кейин чехлар ҳисобни тенглаштиришга уринишди. Айниқса, Милан Барошнинг ҳаракатлари мақтовга лойиқ.

Ярим тунда ўтказилган иккинчи ўйин ҳақида нималар дейиш мумкин? Сирасини айтганда, «ўлим гуруҳи»даги Германия ва Голландия терма жамоаларининг учрашуви мухлислар катта умид боғлашганда.

«Д» гуруҳида ҳам иккита қизил карли ва марокки учрашув бўлди. Чехлар билан латвишларнинг учрашуви унутилмас таассурот қолди.

Хозирча Греция, Испания, Франция, Швеция, Чехия жамоалари галаба наҳидасидан баҳраманд. Хорватия, Швейцария, Дания, Италия, Германия, Голландия ҳисобидан биттадан дурган бор.

Чемпионат жадвали шундай туслиганки, ўйинлар «А» гуруҳидан бошланиб «Д» гуруҳигача давом этади.

Хайдар НОСИРОВ, Раваҳан ШОДИЕВ

Китоб жавонингизга

БОТУ «ТАНЛАНГАН АСАРЛАР»И

Ўтган асрнинг 20-йилларида Боту тахаллуси билан ижод қилган Махмуд Ходиев бундан 100 йил илгари, 1904 йил 16 майда Тошкент шаҳрининг Қатортерек маҳалласида бўзчи оиласида дунёга келди.

У ҳам 26 ёшида барча ўзбек зиёлилари қатори қатагонга учради. 1930 йил 23 июль кунини «халқ душмани», «миллатчи» сифатида қамоққа олиниб, ўн йиллик жаза мuddатини ўташ учун дастлаб Соловецк оролларида юборилди.

Ботунинг «Умид учкунлари» (1921), «Тўлқин товушлари» (1929) номли шеърӣ тўпламлари, «Турсун» ҳикоя китоби чоп этилган.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси, «Қатагон қўрбонлари хотираси» музейи томонидан Ботунинг «Танланган асарлари» «Шарқ» нашриётида чоп этилди. Китобдан шoir шеърлари, достон, ҳикоя, мақола ҳамда қилган таржималари ва унинг оила аъзоларига ёзган хатлари, шoir ҳақидаги хотиралар ўрин олган.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

В соответствии с постановлением Правительства Республики Узбекистан, «О приватизации объектов соцукульт-бита системы ГЭК «Узбекэнерго», Ташкентская ГЭС объявляет о продаже Дворца культуры «Энергетик», находящегося по адресу: г.Ташкент, Юнусовский район, микрорайон ТашГЭС (напротив Агроуниверситета).

Хикматли сўзлар маъноси ОТ МИНГАН ОТАСИНИ ТАНИМАС

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ «ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ КЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНаДАН

Хурматли ишбилармон тadbиркорлар! KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRLASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» масъулияти чекланган жамияти

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуриндаги «POYTAHT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2004 йилнинг 20,23,27,30 июль ва 3,6,10,13,17,20,24,27,31 август кунлари аукцион савдолари ўтказилади.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Azimjon AYUPOV, Ashur NOSIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLAYEV, Norbobo SHAKAROV
MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifot, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatir va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 70000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.